

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий
кўрсаткичлар**

	Млрд. сўм	2006 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	10115,6	109,7
Саноат маҳсулоти	8566,7	111,6
Истеъмол товарлари	2442,7	119,0
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	3479,9	105,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2631,2	140,2
Қурилиш ишлари	1084,8	120,5
Юк айланмаси, млрд.тн–км	38,0	106,4
Йўловчи айланмаси, млрд.йўловчи.–км	26,7	112,8
Чакана товар айланмаси	4339,2	116,8
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	1260,4	125,1
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.	6602,3	126,3
экспорт	4129,4	139,0
импорт	2472,9	109,5
сальдо (+;–)	1656,5	x
Аҳоли пул даромадлари	7321,3	128,0
Аҳоли пул сарф–харажатлари ва жамғармалар	7328,5	130,7
Аҳолининг товар харид қилиш ва хизмат тўловлари пул сарф– харажатлари	5546,3	132,7
Иш қидирувчилар сифатида рўй– хатда турганлар (ҳисобот даври охирига), минг киши ^{*)}	29,1	87,6
шу жумладан, расман рўйхат– га	24,9	85,1

^{*)} Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари бўйича

	Млрд. сўм	2006 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	---

**олинган ишсизлар, минг ки-
ши**

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш


2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) номинал қиймати 10115,6 млрд. сўмда баҳоланди. Унинг реал ҳажми ўсиш суръатлари ўтган йилнинг биринчи ярим йилига нисбатан 9,7 фоизни ташкил қилди.

2007 йил январ–июнида ЯИМнинг дефлятор индекси 2006 йил январ–июндаги нархларга нисбатан 117,8 фоизни ташкил этди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 75,3 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида (2006 йил январ–июнга нисбатан 1,5 фоизга ортиқ), 24,7 фоизи давлат секторида ишлаб чиқарилди.

ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида




- Давлат мулки
- Нодавлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Фермер ва деҳқон хўжаликлари мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар мулки
- Бошқа нодавлат мулкчилик шакллари

ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби январ–июн ойларида қуйидагича ифодаланади:

	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида		2006 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
	2006й.	2007й.	
Жами	100,0	100,0	109,7
шу жумладан:			
саноат	27,2	25,9	106,5
қишлоқ хўжалиги	12,6	11,8	105,5
қурилиш	5,8	6,7	120,5
транспорт ва алоқа	11,4	11,3	115,2
савдо ва умумий овқатланиш	10,5	10,8	118,9
бошқалар	19,9	20,9	108,2
Маҳсулотлар ва экспорт– импорт операцияларига соф солиқлар	12,6	12,6	105,6

ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қўшилган қийматнинг физик ҳажм индекси саноат (106,5 фоиз), коммуникация (115,2 фоиз) ва савдо (118,9 фоиз) тармоқларида юқори булганлиги ЯИМнинг ўсишига салмоқли таъсир кўрсатди.

ЯИМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 38,1 фоизи кичик тад-биркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2006 йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 4,0 фоизга кўп. Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ЯИМнинг 21,0 фоизи ишлаб чиқарилиб, 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 3,9 фоизга кўп бўлди.

Қорақалпоғистон Республикасида (112,1 фоиз), Андижон (112,0 фоиз), Бухоро (111,4 фоиз), Самарқанд (111,4 фоиз), Қашқадарё (110,6 фоиз), Сурхондарё (109,8 фоиз) вилоятларида ва Тошкент(111,8 фоиз) шаҳрида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ўртача республика ўсиш суръатларидан юқори бўлди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2007 йилнинг 1 июл ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 461,2 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 423,0 мингтани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 91,7 фоизи) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 60,1 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (14,3 фоизи), саноат (6,1 фоизи) ва қурилиш (4,2 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2007 йилнинг 1 июл ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	461207	100	422958	100
шу жумладан:				
саноат	28096	6,1	21425	5,1
қишлоқ хўжалиги	276999	60,1	271669	64,2
қурилиш	19239	4,2	14944	3,5
транспорт ва алоқа	5638	1,2	4901	1,2
савдо ва умумий овқатланиш	65905	14,3	49496	11,7
моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	17642	3,8	15598	3,7

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	2875	0,6	2417	0,6
соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	8884	1,9	8212	1,9
таълим	12451	2,7	12298	2,9
маданият ва санъат	1817	0,4	1536	0,4
фан ва илмий хизмат кўрсатиш	1064	0,2	923	0,2
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	20597	4,5	19539	4,6

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 93,0 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 56,5 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари, 21,1 фоизи хусусий корхоналар, 0,9 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик жамиятлари, 14,1 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:


1 июл ҳолатига;
умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2007 йил январ–июнида жами 46,3 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган. Уларнинг асосий қисми Фарғона (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 14,0 фоизи), Самарқанд (13,3 фоиз) ва Андижон (11,2 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

2007 йил январ–июнида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2007 йилнинг 1 июл ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 415 мингтани ташкил қилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йилида ялпи ички маҳсулотнинг 38,1 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (2006 йил январ-июнда 34,1 фоиз), шу жумладан 7,7 фоизи кичик корхоналар, 13,3 фоиз микрофирмалар ва 17,1 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиётнинг кичик сектори иқтисодиётдаги жами бандларнинг 71,8 фоизи (7594,4 минг киши) бандлигини таъминлади. Банд бўлганларнинг катта қисми – 54,6 фоизи (5780,5 минг киши) хусусий сектор ҳамда – 17,2 фоизи (1813,9 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари томонидан sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш 38,8 фоизга ўсди ва 978,1 млрд. сўми (республика sanoat ишлаб чиқаришининг 11,4 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 8,9 фоизга ўсиб, 3385,8 млрд. сўми (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 97,3 фоизи) ташкил қилди.

Республика иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 18,5 фоизини кичик бизнес субъектлари томонидан киритилган инвестициялар ташкил қилди, қурилиш ишларининг 49,1 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

Кичик бизнес субъектларининг автомобил транспортида юк айланмаси 20,3 фоизга ошди ва республика автомобил транспорти юк айланмасининг 66,6 фоизини, йўловчи айланмаси эса 20,9 фоизга кўпайиб, умумий йўловчи айланмасининг 85,5 фоизини ташкил этди.


Чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 44,9 фоизи ёки 1947,3 млрд. сўми (ўсиш 22,0 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 45,5 фоизи ёки 573,6 млрд. сўми (14,3 фоизга ўсган) кичик тадбиркорликда шаклланди.

Кичик бизнес субъектлари ташқи савдо айланмаси республика ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 19,5 фоизини ташкил қилди. Жорий йилнинг январ-июн ойларида 511,2 млн. АҚШ доллари ёки экспорт умумий ҳажмидан 12,4 фоизи миқдорида маҳсулот экспорти ва 776,6 млн. АҚШ доллари ёки умумий импортнинг 31,4 фоизи миқдорида маҳсулот импорти кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилди.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар 374,2 млрд. сўми, халқаро молия институтларининг кредит йўналиши бўйича – 20894,5 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Хусусий тадбиркорлик кичик бизнеснинг асосий қисмини ташкил қилади. 2007 йил январ-июнида кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) маҳсулотининг улуши қуйидагича ифодаланади:

	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	403,9	41,3
Қишлоқ хўжалиги	3385,8	100,0
Қурилиш	380,4	71,5
Чакана савдо	1592,2	81,8

	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсу- лоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хиз- мат) ҳажмида хусу- сий сектор улуши, % ҳисобида
Пуллик хизмат	469,3	81,8
Юк ташиш, млн.тн	97,3	93,1
Йўловчи ташиш, млн.киши	1620,1	97,6
Экспорт, млн. АҚШ долл.	235,4	46,0
Импорт, млн. АҚШ долл.	176,1	22,7

Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Давлат мулки қўмитасининг маълумотларига кўра, давлат тасар-руфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастурини амалга ошириш жараёнида 2007 йилнинг январ-июн ойларида 281 та корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилган.

Хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг энг кўп қисми Тошкент вилояти (20,6 фоизи), Тошкент шаҳри (16,4 фоизи), Фарғона (8,9 фоизи), Самарқанд (7,1 фоизи), Сурхондарё (7,1 фоизи) вилоятла-рига тўғри келган.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида катта улушни ма-ҳаллий ҳокимиятлар (31,7 фоиз), Халқ таълими вазирлиги (14,9 фоиз), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (8,2 фоиз), Қишлоқ ва сув хўжалиги ва-зирлиги (7,5 фоиз), «Ўзбекнефтгаз» МХК (5,3 фоиз) объектлари ташкил қилади.

2007 йил январ – июнида вазирлик ва идоралар бўйича хусусий-лаштирилган объектлар таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Хусусийлаштирилган объектлар сони, бирлик	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	281	100
шу жумладан:		
Маҳаллий ҳокимиятлар	89	31,7
Халқ таълими вазирлиги	42	14,9

	Хусусийлаштирилган объектлар сони, бирлик	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	23	8,2
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	21	7,5
«Ўзбекнефтгаз» МХК	15	5,3
Бошқалар	91	32,4

Жорий йилнинг январ–июн ойларида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан 50,8 млрд. сўм пул маблағлари тушган.

Тушган пул маблағларининг энг кўп қисми Тошкент шаҳрига (хусусийлаштиришдан олинган барча пул маблағларининг 48,1 фоизи), Тошкент (31,5 фоиз), Хоразм (7,0 фоиз) ва Самарқанд (4,4 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар

Республиканинг ташқи савдо айланмаси 2007 йилнинг январ–июнида 6602,3 млн. АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 126,3 фоизни, шу жумладан экспорт 4129,4 млн. АҚШ доллари, импорт 2472,9 млн. АҚШ долларини (мос равишда 139,0 ва 109,5 фоиз) ташкил қилди.

Ташқи савдо баланси ижобий 1656,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилди, шу жумладан МДҲ давлатлари билан – 692,3 млн. АҚШ доллари, бошқа хориж мамлакатлари билан – 964,2 млн. АҚШ доллари.


Республика ташқи савдо айланмаси қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

	(млн. АҚШ доллари)		2006 йил январ– июнига нис- батан фоиз ҳисобида
	Январ–июн		
	2006й.	2007й.	
Ташқи савдо айланмаси шу жумладан:	5229,0	6602,3	126,3

(млн. АҚШ доллари)

	Январ–июн		2006 йил январ– июнига нис- батан фоиз ҳисобида
	2006й.	2007й.	
МДХ мамлакатлари	2068,9	3269,5	158,0
бошқа хориж мамлакатлари	3160,1	3332,8	105,5
Экспорт	2971,2	4129,4	139,0
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	1137,8	1980,9	174,1
бошқа хориж мамлакатлари	1833,4	2148,5	117,2
Импорт	2257,8	2472,9	109,5
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	931,1	1288,6	138,4
бошқа хориж мамлакатлари	1326,7	1184,3	89,3

Ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа хориж мамлакатлари-
нинг улуши қуйидагича ифодаланади:




**Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибидаги ўзгаришлар
динамикаси**

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўз- гариш, фоиз ҳисобида
	2006й январ–июн	2007й январ– июн	2006 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100	100	139,0
пахта толаси	22,8	16,7	102,1
озиқ–овқат маҳсулотлари	4,7	7,0	2,1м.
шундан истеъмол маҳсулотлари	3,8	6,3	2,3м.
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	4,9	5,6	162,1
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	13,3	19,8	2,1м.
қора ва рангли металллар	11,8	12,3	143,9
машина ва ускуналар	8,8	9,6	151,9
хизматлар	12,2	10,9	124,4
бошқалар	21,5	18,1	116,7
Импорт таркиби	100,0	100,0	109,5
озиқ–овқат маҳсулотлари	8,3	8,0	105,4
шундан ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган ис- теъмол маҳсулотлари	4,6	3,7	87,6
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	14,2	14,8	113,7
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	3,4	4,9	157,4

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2006й январ–июн	2007й январ–июн	2006 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
қора ва рангли металллар	7,1	7,9	121,1
машина ва ускуналар	47,6	44,4	102,3
хизматлар	7,7	8,3	118,4
бошқалар	11,7	11,7	110,0

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:


	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2006 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	28,8	155,8
Қозоғистон	8,8	193,2
Украина	6,3	146,8
Туркия	5,8	108,1
Хитой	5,5	91,0
Эрон	5,4	97,4
Корея	4,5	99,5
Германия	2,3	74,4
Швейцария	2,3	4,9м.
Тожикистон	1,9	121,1
Франция	1,8	2,3м
Буюк Британия	1,4	56,5
Қирғизистон	1,3	164,2
АҚШ	1,2	62,6
Беларуссия	0,9	167,0
БАА	0,8	87,6
Латвия	0,7	132,9
Озарбайжон	0,6	100,0
Ҳиндистон	0,5	114,4
Япония	0,5	79,9
Туркманистон	0,5	134,3
Австрия	0,4	189,3
Нидерландия	0,4	114,3
Италия	0,3	61,9
Бельгия	0,3	61,4

Ҳисобот даврида Ўзбекистон жаҳоннинг 143 мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди ва 78 мамлакат билан ижобий сальдога эга бўлди.


2007 йил январ–июнида МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт

МДҲ




Бошқа хориж давлатлари




Импорт

МДҲ



Бошқа хориж давлатлари



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

2007 йилнинг январ–июн ойларида саноат маҳсулоти ҳажми 8566,7 млрд. сўм, ёки 2006 йилнинг январ–июнига нисбатан 111,6 фоизни ташкил этди.


Ҳисобот даврида 2442,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2006 йилнинг биринчи ярим йилига нисбатан 119,0 фоизни ташкил этди. Жумладан, 925,6 млрд. сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари ва 1517,1 млрд. сўмлик ноозиқ–овқат моллари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 109,1 фоиз ва 125,9 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2007 йил январ–июнида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2006 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Маҳсулот ишлаб чиқариш	8566,7	111,6
шу жумладан:		
электроэнергетика	831,6	99,4
ёқилғи	1504,2	112,0
қора металлургия	224,9	110,5
рангли металлургия	1381,2	98,3
кимё ва нефт–кимё	435,2	120,3
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	1265,6	129,5
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз	66,5	125,3
қурилиш материаллари	390,4	116,4
Енгил саноат	1339,7	112,1
озиқ–овқат саноати	721,1	107,9
Истеъмол товарлари	2442,7	119,0
шу жумладан:		
озиқ–овқат маҳсулотлари	925,6	109,1
ноозиқ–овқат маҳсулотлари	1517,1	125,9

Тармоқлар бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш таркиби қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Саноат тармоқлари бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)

	2007 йил январь – июн	2006 йил январь – июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ёқилғи – энергетика саноати		
Электрэнергия, млн. кВт. соат.	24,9	97,4
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	10,9	100,6
Нефт ва газ конденсати, млн. тн	2,5	98,2
Бензин, минг тн	700,4	106,7
Дизел ёқилғиси, минг тн	708,7	102,5

	2007 йил январ–июн	2006 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Мазут, минг тн	391,2	96,7
Керосин, минг тн	170,1	102,9
Мой, минг тн	147,7	130,5
Суюқлантирилган газ, минг тн	112,2	105,4
Қора металлургия саноати		
Пўлат, минг тн	342,7	102,0
Тайёр прокат, минг тн	323,5	102,9
Кимё ва нефт–кимё саноати		
Сунъий аммиак, минг тн	609,1	103,8
Минерал ўғит, минг тн	512,5	107,2
Карбамид, минг тн	207,0	94,7
Ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, тн	816	67,2
Олtingугурт кислотаси, минг тн	503,8	123,6
Кимёвий тола ва иплар, тн	7599	154,8
Сирка кислотаси, тн	5084	106,3
Кальцийлаштирилган сода, минг тн	22,4	–
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати		
Енгил автомобиллар, дона	82876	130,0
Автобуслар, дона	402	13,0м.
Автомобил эҳтиёт қисмлари, млн.сўм	48783,0	136,1
Тракторлар, дона	856	59,1
Трактор культиваторлари, дона	919	83,5
Аккумуляторлар, минг дона	208	103,0
Компрессорлар, дона	36	150,0
Кабель маҳсулотлари, млн.сўм	46789,0	141,2
Ўтказиш симлари, км	4641	158,3
Шаҳар телефон алоқаси кабеллари, км	5865	129,1
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	6288	3,8р.
Телевизорлар, дона	31463	98,2

	2007 йил январ–июн	2006 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Қурилиш материаллари саноати		
Цемент, минг тн	3148,6	113,3
Шифер, млн. шартли плитка	240,6	131,2
Юмшоқ том материаллари ва изол, млн. кв. м	2,9	37,7
Йиғма темирбетон конструкциялари ва деталлар, минг куб. м.	97,9	103,4
Шиша ва фарфор–фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати		
Фарфор–фаянс буюмлар, млн. сўм	1125,0	58,7
Дераза ойнаси (2 мм қалинликда ҳисоблаганда), минг кв. м	5178	93,9
Бутилкалар, млн. дона	143,9	111,6
Енгил саноат		
Пахта толаси, минг тн	656,1	98,7
Чигит, минг тн	1018,1	97,3
Пахта линти, минг тн	44,4	97,5
Ипак тола, тн	218,8	102,7
Бир ипли тўқима ип газлама, минг тн	72,3	108,0
Газлама – жами, млн. кв. м	83,5	77,5
Трикотаж маҳсулотлари, минг дона	16325	88,8
Гилам ва гилам маҳсулотлари, минг кв.м	5239	124,0
Озиқ–овқат саноати		
Сут ва сут маҳсулотлари, минг тн	8,1	125,5
Консервалар, млн. шартли банка	52,5	163,3
Шакар, минг тн	63,1	61,0
Ўсимлик ёғи, минг тн	145,7	98,4
Макарон маҳсулотлари, минг тн	8,6	102,7
Ароқ ва ароқ–ликер маҳсулотлари, минг дал	3408	136,6
Вино, минг дал	1244	118,7
Пиво, минг дал	5710	100,0
Маъданли сув, млн. ярим литр	80,6	161,4
Папирос ва сигаретлар, млн. дона	3912	113,0

	2007 йил январ–июн	2006 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ун–ёрма ва омихта ем саноати		
Ун, минг тн	742,2	108,7
Омихта ем, минг тн	288,6	131,9

Қишлоқ хўжалиги


2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 3479,9 млрд. сўмни ва 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 105,5 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 1766,3 млрд. сўмни (2006 йил январ–июнига нисбатан 105,1 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари–1713,6 млрд. сўмни (106,0 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 50,8 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари 49,2 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3530,0 минг га.ни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 107,4 минг га. кам бўлди.


Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1532,0 минг гектар, пахта экин майдони 1448,4 минг гектар, картошка – 55,5 минг гектар, сабзаот экинлари – 158,7 минг гектар майдонни ташкил қилди.

Ҳосил йиғими. 2007 йил 1 июл ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 5388,8 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,5 фоизга ошган, шундан 5318,0 минг тонна буғдой (5,4 фоиз).

Барча тоифадаги хўжаликларда 577,8 минг тн. картошка қазиб олинди (2006 йилга нисбатан 8,2 фоизга кўп), 992,5 минг тн. сабзаот (10,2 фоизга кўп) йиғиб олинди, 52,4 минг тн. поллиз экинлари (14,4 фоизга кўп), 341,5 минг тн. мева ва резаворлар (4,8 фоизга кўп) ва 12,6 минг тн. узум (15,7 фоизга кўп) етиштирилди.

Январь–июнда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




Чорвачилик. 2007 йилнинг 1 июл ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 430,7 минг бошга (6,4 фоизга), шу жумладан сизирлар 131,7 минг бошга (4,5 фоизга), қўй ва эчкилар 580,9 минг бошга (4,7 фоизга), паррандалар 2210,9 минг бошга (10,4 фоизга) кўпайди.

2007 йилнинг биринчи ярим йилида барча тоифадаги хўжаликларда 561,6 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилга нисбатан 6,2 фоизга кўп), 2312,3 минг тонна сут (5,8 фоизга кўп), 1000,7 млн. дона тухум (9,2 фоизга кўп), 11452 тонна жун (8,7 фоизга кўп), 693,0 минг дона қоракўл тери (12,0 фоизга кўп), 21,4 минг тонна пилла (5,9 фоизга кўп) етиштирилди

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 97,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда – 99,5 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда – 61,5 фоизни ташкил этди.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2007 йилнинг 1 июл ҳолатига фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklarининг сони 212,5 мингтани ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,8 мингтага кўпайди.

Фермер хўжалиklarига бириктирилган умумий қишлоқ хўжалиги ер майдони 5677,0 минг гектарни ташкил этиб, ҳар бир хўжаликка ўрта ҳисобда 26,7 гектардан тўғри келди. Фермер хўжалиklarида банд бўлганлар сони 1317,1 минг кишини, шундан ёлланма ишчилар сони 214,5 минг кишини ташкил этди.

Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига фермер хўжалиklarида 397,4 минг бош йирик шоҳли қорамол, шу жумладан 128,2 минг бош сигир, 897,9 минг бош қўй ва эчкилар, 13,4 минг бош чўчқалар, 989,6 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2006 йилнинг биринчи ярим йилига нисбатан йирик шоҳли қорамоллар сони 11,2 фоизга, шу жумладан сигирлар 9,0 фоизга, қўй ва эчкилар 46,7 фоизга, паррандалар 19,2 фоизга кўпайди.

Фермер хўжалиklarида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланди:

Январ–июн		2006 йил январ–
2006й.	2007й.	

	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаг и улуши, фоиз	июнига нисба- тан фоиз ҳисобида
Бошоқли дон	3745,7	73,3	4507,4	83,6	120,3
шу жумладан буғдой	3708,8	73,5	4461,9	83,9	120,3
Картошка	16,6	3,1	33,8	5,8	2,0м.
Сабзавот	60,2	6,7	101,8	10,3	169,0
Полиз	10,9	23,8	14,4	27,5	132,0
Мева ва резавор- лар	80,7	24,8	93,5	27,4	115,9
Узум	1,6	15,0	2,7	21,4	163,4
Гўшт, тирик ваз- нда	9,2	1,7	11,1	2,0	121,1
Сут	45,7	2,1	53,3	2,3	116,8
Тухум, млн. дона	26,5	2,9	30,5	3,0	115,3
Жун, тонна	440	4,2	625	5,5	142,0
Қоракўл, минг до- на	27,0	4,4	29,6	4,3	109,6
Пилла, тонна	13495	66,7	18085	84,3	134,0

Инвестициялар ва қурилиш

2007 йилнинг январ-июнида республиканинг асосий капитални кўпайтиришга 2361,2 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати 2006 йил январ-июнига нисбатан 140,2 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:


(якунга нисбатан фоиз ҳисобида)

Шу жумладан молиялаштириш манбалари
бўйича

Жами	рес– пуб– лика бюдже– ти	кор– хоналар ва аҳо– ли маб– лағлари	чет эл инвес– тиция– лари ва кредит– лари	банк кре– дитлари ва бошқа қарз маб– лағлари	бюд– жетдан ташқари фондлар маб– лағлари	
Жами	2361,2	13,9	55,3	19,8	2,4	8,6
шу шумла– дан мулк– чилик шакллари бўйича:						
давлат	955,1	38,2	23,4	14,7	0,2	23,5
нодавлат	1676,1	0,1	73,5	22,7	3,6	0,1

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида чет эл инвестициялари ва кредитларини ўзлаштириш қуйидаги маълумотларда ифодаланади:

чет эл инвестициялари ва кредитларининг
умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Иқтисодиёт тармоқларида барча молиялаштириш манбалари ҳисобига асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидаги кўринишда:

	2007й. январ-июн		Маълумот учун: 2006й. январ-июн умумий ҳажмга нисбатан фоизда
	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
Асосий капиталга киритилган инвестициялар – жами	2631,2	100,0	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	1682,0	63,9	63,4
саноат	743,7	28,3	26,9
шу жумладан:			
ёқилғи-энергетика	409,6	15,5	10,9
металлургия	106,2	4,0	5,5
киме ва нефт-кимё саноати	22,9	0,9	2,1
машинасозлик	39,8	1,5	1,5

	2007й. январ–июн		Маълумот учун: 2006й. январ– июн умумий ҳажмга нисбатан фоизда
	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
енгил саноат	52,1	2,0	3,1
озиқ–овқат саноати	62,8	2,4	1,1
қурилиш материаллари	32,7	1,2	1,1
қишлоқ хўжалиги	86,1	3,3	4,7
қурилиш	23,5	0,9	1,4
транспорт ва алоқа	688,7	26,2	23,3
савдо ва умумий овқатланиш	35,4	1,3	1,5
бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	104,6	3,9	5,6
Ноишлаб чиқариш тар- моқлари	949,2	36,1	36,6
уй–жой қурилиш	287,1	10,9	13,0
коммунал хўжалик	47,8	1,8	2,2
соғлиқни сақлаш	27,7	1,1	2,1
таълим	497,7	18,9	16,2
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	88,9	3,4	3,1

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми–нинг 1682,0 млрд. сўми ёки 63,9 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди, ноишлаб чиқариш тармоқларига 949,2 млрд.сўм ёки 36,1 фоизи йуналтирилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 287,1 млрд. сўм ёки 30,2 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2007 йилнинг биринчи ярмида умумий майдони 3700,6 минг кв. м. бўлган 31,2 мингта уй-жой (2006 йил январ-июнига нисбатан 107,6 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида-3264,4 минг кв.м. (107,1 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашда 182,6 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 19,2 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 36,7 фоизини ташкил қилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлаш учун ишлатилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидан 88,8 фоизи мактаб фонди, 7,9 фоизи болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига тўғри келди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 67,7 минг ўқувчи ўринга мўлжалланган 151 та умумтаълим мактаблари капитал таъмирланди, 1440 ўқувчи ўринга мўлжалланган 2 та янги академик лицей Наманган вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ишга туширилди.

Академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 286,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 30,2 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 57,5 фоизини ташкил қилди.

Шунингдек, 7,9 минг ўқувчи ўринга мўлжалланган 12 та касб-ҳунар коллежлари ишга туширилди, шу жумладан 4,8 минг ўқувчи ўринга мўлжалланган 9 та янги объект қурилди ва 2006 йилнинг январ-июнига нисбатан мос равишда 2,2 ва 1,5 марта кўп бўлди.

2007 йилнинг январ-июнида бир сменада 795 қатновга мўлжалланган амбулатория-поликлиника муассасалари, жумладан бир сменада 595 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 862,3 км. узунликдаги ичимлик суви, 410,2 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан мос равишда 77,4 ва 45,7 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик суви ва газ тармоқларининг 89,6 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 22,7 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобига 3,8 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 16,7 фоизи), корхоналар ва аҳоли маблағлари ҳисобига 3,1 млрд. сўм (13,6 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 2,7 млрд. сўм, шундан корхоналар ва аҳоли маблағлари ҳисобига 2,6 млрд. сўмлик (94,8 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. 2007 йилнинг январ–июнида 1084,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2006 йилнинг январ–июнига нисбатан ўсиш суръати 120,5 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 72,7 фоизи янги қурилиш, корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 21,0 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва 6,3 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 958,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 88,4 фоизни (2006 йилнинг январ–июнига нисбатан 0,2 фоизга кўпайган) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2007 йилнинг январ–июнида барча транспорт турлари томонидан 419,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоизга кўп.


Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 38,0 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 6,4 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2007 й. январ–июн	2006 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	419,2	108,1
шу жумладан:		
темир йўл транспортида	27,8	119,6
автомобил транспортида	352,7	108,0
ҳаво транспортида, минг тн	3,6	97,3
қувур йўллари орқали	38,7	101,6
Юк айланмаси, млрд. тн–км	38,0	106,4
шу жумладан:		
темир йўл транспортида	10,7	115,0
автомобил транспортида	8,0	111,5
ҳаво транспортида, млн. тн–км.	40,1	109,6
қувур йўллари орқали	19,3	100,4

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	Минг тонна	2006 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Юклар – жами	27821,4	119,6
шу жумладан:		
тошкўмир	1434,9	88,4
нефт маҳсулотлари	6633,3	111,7
қора металллар	383,6	95,7
қора метал темир-терсаклари	511,4	109,7
кимёвий ва минерал ўғитлар	2003,4	99,4
қурилиш материаллари	5408,4	126,6
цемент	2475,2	116,4
ёғоч-тахта материаллари	93,9	127,4
дон ва янчилган дон маҳсулотлари	829,6	115,7

Темир йўл транспортида ташилган юклар умумий ҳажмининг асосий қисмини нефт маҳсулотлари (ташилган юклар умумий ҳажмининг 23,8 фоизи) ва қурилиш материаллари (19,4 фоизи) ташкил қилган.

Экспорт қилинадиган юкнинг 3222,6 минг тоннаси ёки умумий экспорт қилинадиган юкнинг 15,2 фоизи, шу жумладан хориж мамлакатларига қилинган экспортнинг 1276,1 минг тоннаси темир йўл транспорти орқали ташилди.

Автомобил транспортида 352,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2006 йилнинг январ–июнига нисбатан 8,0 фоизга кўпайди. Юк айланмаси 11,5 фоизга кўпайди ва 8008,4 млн. тн–км.ни ташкил қилди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2006 йил январ–июн даражасидан 20,0 фоизга кўпайди ва 5,2 млрд. тн–км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 65,5 фоизни ташкил этди (2006 йил январ–июнида 60,8 фоиз).

Ҳаво транспорти орқали 3,6 минг тонна юк жўнатилиб, 2006 йил январ–июнига нисбатан 2,7 фоизга камайди, юк айланмаси эса 3,5 млн. тоннага ёки 9,6 фоизга кўпайди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 2006 йил январ–июнига нисбатан 0,4 фоизга кўпайди ва 19,3 млрд. тн–км.ни ташкил қилди.

Йўловчи ташиш. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида барча транспорт турлари томонидан 2265,0 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг ушбу даврига нисбатан 10,5 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 12,8 фоизга кўпайиб, 26,7 млрд. йўловчи–км.ни ташкил қилди.



Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2007 й. январ–июн	2006 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	2265,0	110,5
темир йўл транспортида	6,8	104,8
автомобил транспортида	2190,8	110,9
ҳаво транспортида	0,6	128,4
шаҳар электр транспортида	66,8	98,8

	2007 й. январ-июн	2006 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Йўловчи айланмаси,		
млрд. йўловчи-км	26,7	112,8
темир йўл транспортида	1,2	109,6
автомобил транспортида	22,7	112,9
ҳаво транспортида	2,4	116,4
шаҳар электр транспортида	0,4	98,6

2007 йил биринчи ярим йиллигида транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмасининг таркиби қуйидагича ифодланади:

йўловчи ташиш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



- Темир йўл
- Ҳаво йўли
- Шаҳар электр транспорти
- Автомобил

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди – 96,7 фоиз ёки 2190,8 млн. киши, йўловчи айланмасида – мос равишда 85,1 фоиз ва 22,7 млрд. йўловчи–км.

2007 йил январ–июнда темир йўл транспортда йўловчилар жў–натиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,8 фоизга кўпайди ва 6,8 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 9,6 фоизга ўсди ва 1172,2 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 608,9 мингта йўловчи ташилиб, бу 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 28,4 фоизга кўпдир, йўловчи айланмаси эса, тегишли равишда 2411,7 млн. йўловчи–км. ва 16,4 фоизга кўпайди.

Шаҳар электр транспортда 66,8 млн. йўловчи ташилган бўлиб, бу 2006 йил январ–июндагига нисбатан 1,2 фоизга ёки 0,8 млн. йўловчига камайди. Бунинг асосий сабаби троллейбус ва метрополитен транс–порти орқали 0,9 млн ёки ўтган йилга нисбатан 2,1 фоиз кам йўловчи ташилгандир.

Товарлар ва хизматлар бозори

2007 йилнинг январ–июнида чакана товар айланмаси 4339,2 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан нисбатан 116,8 фоизга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2006 йил январ– июнига нис– батан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фо– из ҳисобида
Жами	4339,2	116,8	100,0
шу жумладан мулк– чилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	10,5	92,9	0,2
нодавлат мулки	4328,7	116,9	99,8
ундан фуқароларнинг ху– сусий мулки	3494,9	112,2	80,5

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми жорий йилнинг январ–июнида 1342,3 млрд. сўми ташкил қилиб, 2006 йилнинг январ–июнига нисбатан 31,5 фоизга ошган.

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси умумий товар айланмасининг 27,8 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорлари томонидан ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш ҳажми 8,5 фоизга ошди ва 1837,3 млрд. сўмга етди, унинг товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 42,4 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 1159,6 млрд. сўми ташкил қилди ёки 2006 йилнинг январ–июнига нисбатан 16,0 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 26,7 фоизни ташкил қилди.

Жорий йил январ–июнида чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2006 й. январ– июнига нис- батан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	4339,2	116,8	100,0
шу жумладан:			
савдо корхоналари	1342,3	131,5	30,9
бозорлар	2996,9	111,3	69,1
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозор- лар	1159,6	116,0	26,7
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	1837,3	108,5	42,4

Озиқ–овқат молларини сотиш ҳажми 113,7 фоизни, ноозиқ–овқат молларини сотиш ҳажми эса 120,2 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмаси таркибида озиқ–овқат моллари улуши 2007 йил январ–июнда 49,6 фоизни, ноозиқ–овқат моллари улуши 50,4 фоизни (2006 йил январ–июнида мос равишда – 51,5 ва 48,5 фоиз) ташкил қилди.

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 98,4 млрд.сўмга етди ёки 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 16,1 фоизга кўпайди.

2007 йилнинг 1 июл ҳолатига чакана савдодаги товар заҳиралари 38,3 млрд. сўмни ёки 14 савдо кунини ташкил қилди.

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 1260,4 млрд. сўмни, унинг реал ўсиши эса 2006 йил январ–июнига нисбатан 25,1 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (64,3 фоиз), бу секторда хизматлар ҳажми амалдаги нархларда 810,0 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 137,7 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 7,5 фоизга ўсиб, 450,4 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 35,7 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 75,1 фоизни ташкил қилди (2006й. январ–июнида – 73,4 фоиз).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида	Маълумот учун: 2006 й. январ–июни яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	1260,4	100,0	100
давлат мулки	313,8	24,9	26,6
нодавлат мулки	946,6	75,1	73,4
шундан:			
фуқароларнинг хусусий мулки	477,0	37,8	44,0

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 11,7 фоизни ёки 147,7 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг реал ҳажми 2006 йил январ–июнига нисбатан 21,1 фоизга ошди. Маиший хизматларнинг 87,7 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми дастлабки баҳоланганда 129,5 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 21,8 фоизни ташкил қилди.

Маиший хизматлар ҳажмининг барча ҳудудларда ўсганлиги кузатилди. Айниқса, Сирдарё (150,3 фоиз), Тошкент (145,0 фоиз), Наманган (144,0 фоиз), Сурхондарё (143,0 фоиз), Самарқанд (135,5 фоиз) ва Жиззах (128,1 фоиз) вилоятларида бу кўрсаткич юқори бўлди.

2007 йил январ–июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича хиз-

матлар ҳажми 5808,7 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1291,4 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 22,2 фоизини ташкил қилди. 2006 йилнинг шу даврига нисбатан ҳақиқий ўсиш 24,5 фоизни ташкил этди.

2007 йил биринчи ярим йиллигида хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича (ҳақиқий баҳоларда) қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2006 йил январ– июнига нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	5808,7	124,5	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Савдо ва овқатланиш хизматлари	1113,2	121,0	19,2
Транспорт хизматлари	2068,3	127,2	35,6
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот–ресурс марказлари хизматларини ўз ичига олган ҳолда	344,5	148,9	5,9
Молиявий хизматлар, микро– кредитлар беришни ўз ичига олган ҳолда	295,6	123,5	5,1
Туризм–саёҳат хизматлари	24,3	121,9	0,4
Меҳмонхона хизматлари	17,4	124,4	0,3
Коммунал хизматлар	973,1	106,7	16,7
Маиший хизматлар	102,5	125,5	1,8
Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш	45,9	135,6	0,8
Бошқа хизматлар, болалар соғломлаштириш ва спорт муассасалари хизматларини ўз ичига олган ҳолда	823,9	135,4	14,2

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 35,6 фоизи), савдо ва овқатланиш (19,2 фоизи), коммунал (16,7 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (5,9 фоизи) ва молиявий (5,1 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот-ресурс марказлари хизматларини ўз ичига олган ҳолда (148,9 фоиз), автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш (135,6 фоиз), транспорт (127,2 фоиз) ва микрокредитлар беришни ўз ичига олган ҳолдаги молиявий (123,5 фоиз) хизматларда ўсиш юқори бўлди.

Нарх-наво ва инфляция

2005–2007 йилларнинг январ–июнида нархлар
ва тарифлар индексларининг ўзгариши
(нарх-навонинг ўсиши фоиз ҳисобида)

	Ўртача ойлик даражаси			Июн ойи ўтган йилнинг декабрига нисбатан		
	2005й.	2006й.	2007й.	2005й.	2006й.	2007й.
Истеъмол нархлари индекси	0,5	0,6	0,4	3,3	3,5	2,7
озиқ-овқат маҳсулотлари	0,5	0,5	0,2	3,2	3,1	1,3
ноозиқ-овқат маҳсулотлари	0,2	0,3	0,4	1,1	1,9	2,2
хизматлар	1,2	1,1	1,4	7,2	7,1	8,5
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	1,6	2,7	0,9	9,8	17,3	5,4
Юк ташиш тарифларининг индекси	2,6	-0,7	1,4	16,3	-4,3	8,7
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	0,3	-1,2	0,1	1,7	-7,2	0,8

2005–2007 йилларнинг январ–июнида саноат тармоқлари бўйича
ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари
(аввалги йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

	2005й.	2006й.	2007й.
Жами	109,8	117,3	105,4
шу жумладан:			
электроэнергетика	109,6	104,1	113,2
ёқилғи	132,0	105,8	107,2

	2005й.	2006й.	2007й.
қора металлургия	100,4	100,7	103,9
рангли металлургия	112,4	177,8	105,1
кимё ва нефт-кимё	107,3	105,8	107,8
машинасозлик	103,2	105,6	101,7
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз	100,2	101,2	107,1
қурилиш материаллари саноати	110,1	115,2	106,9
енгил саноат	101,0	101,7	100,8
озиқ-овқат саноати	104,8	112,2	103,7
ун-ёрма саноати	100,0	100,3	100,0

**2004–2006 йилларнинг январ–июнида транспорт турларида
юк ташиш тарифларининг индекслари
(аввалги йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2005й.	2006й.	2007й.
Юк транспорти – жами шу жумладан	116,3	95,7	108,7
темир йўл транспорти	111,5	110,3	103,4
автомобил транспорти	107,6	109,3	111,4
ҳаво транспорти	105,1	104,5	102,0
қувур йўллари	119,2	87,1	108,3

**2005–2007 йилларнинг январ–июнида юридик шахслар учун
алоқа хизматлари тарифларининг индекслари
(аввалги йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2005й.	2006й.	2007й.
Жами хизматлар шу жумладан	101,7	92,8	100,8
почта алоқаси	100,0	115,9	100,0
шаҳар телефон алоқаси	100,0	100,0	100,0
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0	100,0

	2005й.	2006й.	2007й.
телеграф алоқаси	100,0	100,0	100,0
уяли алоқа	104,9	77,4	102,0

Аҳоли турмуш даражаси

Аҳолининг номинал пул даромадлари 2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 28,0 фоизга кўпайди ва 7321,3 млрд. сўмни ташкил қилди, аҳолининг пул харажатлари ва жамғармалари 30,7 фоизга кўпайди ва 7328,5 млрд. сўмни ташкил қилди.

Аҳолининг пул даромадлари, харажатлари ва жамғармалари динамикаси қуйидагича ифодаланади:

	(млрд. сўм.)		
	Аҳоли пул даромадлари	Аҳоли пул харажатлари ва жамғармалари	Пул даромадларининг харажатлардан фарқи
I ярим йиллик			
2006й.	5721,8	5605,2	116,2
2007й.	7321,3	7328,5	-7,2

2007 йилнинг январ-июнида аҳоли пул даромадлари ва харажатлари балансининг таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида	2006 й. январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами даромадлар	7321,3	100,0	128,0
шу жумладан:			

	Млрд. сўм	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида	2006 й. январ– июнига нисбатан фоиз ҳисобида
меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналардан олинган бошқа даромадлар	2243,7	30,7	138,3
тадбиркорлик даромадлари ва бошқалар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишни қўшган ҳолда, мол–мулкдан олинган ва бошқа даромадлар	3842,7	52,5	120,6
ижтимоий трансфертлар	1234,9	16,8	135,3
Жами харажатлар ва жамғармалар	7328,5	100,1	130,7
шу жумладан:			
истеъмол харажатлари	5546,3	75,7	132,7
мажбурий тўловлар ва бадал– лар	517,6	7,1	122,2
омонатлар, қимматли қоғозларга жойлаштириш, жумладан валюта харид қилиш ҳисобига жамғармаларнинг ўсиши ва бошқа харажатлар	1264,6	17,3	126,4

Аҳоли пул даромадларининг умумий ҳажмида тадбиркорлик фаолиятидан (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишдан олинган даромадларни қўшган ҳолда) ва мол–мулкдан олинган даромадлар улуши юқори бўлиб, умумий пул даромадларининг 52,5 фоизини ташкил қилди ҳамда 2006 йилнинг биринчи ярим йилига нисбатан 20,6 фоизга кўпайди.

Умумий пул даромадларининг 30,7 фоизини меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналардан олинган даромад, 16,8 фоизини ижтимоий трансфертлар ташкил қилди.

Аҳолининг истеъмол харажатлари 32,7 фоизга кўпайди ва 5546,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Истеъмол харажатлари улуши пул даромадларининг умумий ҳажмида 73,1 фоиздан 75,7 фоизга ўсди.

Мажбурий тўловлар ва бадалларга ҳақ тўлаш харажатлари 22,2 фоизга кўпайди ва 517,6 млрд. сўмни ташкил қилди, уларнинг пул даромадларидаги улуши 7,4 фоиздан 7,1 фоизга камайди. Омонатлар, қимматли қоғозларга жойлаштириш, жумладан валюта харид қилиш ҳисобига жамғармаларнинг улуши 2006 йил январ–июнидаги 17,5 фоиздан 17,3 фоизга камайди.

Аҳоли пул даромадлари сарфланишининг таркиби қуйидагича ифодаланади:


(пул даромадларига нисбатан фоизда)

	Аҳоли пул маб–лағ–лари, жами	Улардан қуйидагиларга фойдаланилди			Аҳоли пул қолди–ғининг ўзга–риши
		товар со–тиб олиш ва хиз–матларга тўловлар	мажбу–рий тў–ловлар ва ба–даллар	жамғармалар ва қимматли қоғозлар, валюта харид қилиш ва бошқалар	
І ярим йил–лик					
2006й.	100	73,1	7,4	17,5	2,0
2007й.	100	75,7	7,1	17,3	–0,1

2007 йил биринчи ярим йиллигида аҳоли жон бошига пул даромадлари 2006 йил биринчи ярим йиллигига нисбатан 26,2 фоизга ўсиб, 273,6 минг сўмдан тўғри келди.

Аҳолининг номинал пул даромадларининг ўсиш суръати истеъмол нархларининг ўсиш суръатидан юқори бўлиб, натижада аҳолининг реал пул даромадлари 19,6 фоизга кўпайгани қуйидаги кўрсаткичларда кўринади:

2006 йилнинг тегишли даврига нисбатан фоиз ҳисобида



Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ихтиёридаги реал пул даромадлари юқоридаги таққослаш асосида 20,0 фоизга ўсди.

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2007 йилнинг 1 июл ҳолатига республикада мавжуд аҳоли сони 26,8 млн. кишини ташкил қилди ва йил бошидан 181,9 минг кишига ёки 0,7 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ўсиши 209,3 минг кишини ташкил этди. Улардан 151,9 минг киши қишлоқ жойларига тўғри келади.

2007 йил биринчи ярим йиллигида миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, минус 27,4 минг кишини ташкил қилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2007 йилнинг январ–июн ойларида қуйидагича ифодаланади:

	Минг киши		Ўсиш, камайиш (-)	Ҳар 1000 кишига	
	2006й.	2007й. ^{*)}		2006й.	2007й. ^{*)}
Туғилганлар	257,4	284,2	26,8	19,6	21,3
Ўлганлар	72,8	74,9	2,1	5,5	5,6

^{*)} Баҳо

^{**)} 1000 туғилганларга

	Минг киши			Ҳар 1000 кишига	
	2006й.	2007й. ^{*)}	Ўсиш, камайиш (-)	2006й.	2007й. ^{*)}
шу жумладан бир ёшгача болалар	4,0	4,1	0,1	15,3**	14,4**
Табийий ўсиш	184,6	209,3	24,7	14,1	15,7
Никоҳлар	75,6	93,2	17,6	5,8	7,0
Ажралишлар	8,5	9,1	0,6	0,6	0,7

2007 йил биринчи ярим йилида туғилганлар сони 284,2 минг кишини ташкил қилди ва 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 26,8 минг киши ёки 10,4 фоизга кўпайди, туғилиш коэффиценти 19,6 промилледан 21,3 промиллега кўпайди.

Туғилиш даражасининг ўсиши республикамизнинг деярли барча ҳудудларида қайд этилди. Бу кўрсаткичнинг юқори даражаси Фарғона (17,9 дан 21,1 промиллега), Тошкент (18,0 дан 20,6 промиллега), Жиззах (22,2 дан 24,3 промиллега) вилоятларида кузатилди. Туғилишнинг энг паст даражаси Тошкент шаҳрида (17,1 промилле) сақланиб қолмоқда.

2006 йилнинг шу даврига нисбатан ўлганлар сони 2,1 минг кишига ёки 2,9 фоизга кўпайди. Ўлганлар сонининг кўпайиши Қашқадарё (4,3 дан 4,8 промиллегача), Самарқанд (5,1 дан 5,5 промиллегача), Сурхондарё (4,4 дан 4,7 промиллегача), Хоразм (4,8 дан 5,1 промиллегача) вилоятларида кузатилди.

Энг кўп ўлим ҳоллари Тошкент шаҳрида (8,3 промилле) сақланиб қолмоқда, энг кам ўлим ҳоллари Жиззах вилоятида кузатилди (4,6 промилле).

Ўлганлар умумий сонидан 59,9 фоизи қон айланиш системаси касалликларидан, 7,7 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 6,0 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йил биринчи ярим йилида бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 4,1 мингтани ташкил қилди. Гўдаклар ўлими коэффициенти 2006 йил январ–июндаги 15,3 промилледан 14,4 промиллега камайди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан 40,1 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 38,9 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 8,4 фоизи туғма аномалиялардан, 6,2 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

2007 йилнинг биринчи ярим йилида 93,2 минг никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 9,1 мингтани ташкил қилди. Минг аҳолига 7,0 никоҳ ва 0,7 ажралишлар тўғри келмоқда (2006й. январ–июнида мос равишда 5,8 ва 0,6).

Меҳнат ресурсларининг сони, дастлабки маълумотларга кўра, 2006 йил биринчи ярим йилига нисбатан 2,8 фоизга кўпайиб, 15121,4 минг кишини ёки мамлакат доимий аҳолисининг 56,5 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаол аҳоли (бандлар ва расмий ишсиз деб ҳисобланганлар) 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 2,9 фоизга кўпайди ва 10605,6 минг кишини ташкил қилди, шундан 10580,7 минг киши ёки 99,8 фоизи иқтисодиётда банд бўлди.

Банд бўлганлар сонининг ўсиши моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар сонининг 3,1 фоизга, ноишлаб чиқариш соҳасида 2,7 фоизга кўпайиши ҳисобига бўлди.

Банд бўлган аҳолининг асосий қисми (66,6 фоизи) моддий ишлаб чиқариш тармоқларига тўғри келиб, савдо, умумий овқатланиш, сотиш ва тайёрлашда (7,2 фоиз), sanoatда (4,2 фоиз), қурилишда (4,1 фоиз), транспорт ва алоқада (3,8 фоиз) банд бўлганлар сони жадал суръатларда ўсди.

Нодавлат секторида банд бўлганлар улуши 2006 йил январ–июндаги 77,4 фоиздан 77,7 фоизга етди.

2007 йил январ–июнда меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 233,1 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2006

йилнинг шу даврига нисбатан 28,6 минг кишига ёки 14,0 фоизга кўпдир. Меҳнат бўлимларига иш қидириб мурожаат этганлар даражаси Фарғона (республика бўйича иш қидириб мурожаат этганлар умумий сонининг 13,1 фоизи), Самарқанд (11,2 фоизи), Наманган (9,7 фоизи), Қашқадарё (9,2 фоизи) вилоятларида юқори бўлди.


Меҳнат бўлимларига мурожаат қилган 195,3 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 83,8 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу 2006 йилнинг январ–июнига нисбатан 3,1 фоизга юқори. Ишга жойлаштирилганларнинг 50,4 фоизи 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳолидир.

2007 йил июн ойининг охирида иш қидириш учун республика меҳнат бўлимларида ҳисобда турган аҳоли сони 29,1 минг кишини ташкил қилди (2006 йил июн ойининг охирида – 33,3 минг киши бўлган).

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Хоразм вилоятига – 3,3 минг киши (республика миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 11,4 фоизи) ва Қорақалпоғистон Республикасига – 3,0 минг киши (10,2 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(минг киши)



Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг июн ойи охирига 24,9 минг киши ёки 85,5 фоизи ишсиз деб эътироф этилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2007 йил биринчи ярим йилида хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш мақсадли комплекс Дастурларини амалга ошириш доирасида, чорвачилик ва касаначилик доирасида республика бўйича 314,8 минг иш жойлари ташкил қилинган.

Республика бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 71,1 фоизи (223,9 мингта иш жойи) қишлоқ жойларга тўғри келади.